

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Хамдамов Сардор Фармон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: sardorxamdakov@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси корпоратив молия менежменти тизимида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона молиявий сиёсати, корпоратив молиявий менежмент, корхона молияси, корхона фаолиятининг молиявий таъминоти, корхона молиявий ҳолати, корхона молиявий барқарорлиги.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования теории и методологии формирования финансовой политики предприятия на современном этапе либерализации и модернизации экономики в Республике Узбекистан. Научно обоснованы преимущества и особенности совершенствования теории и методологии формирования финансовой политики предприятия в перспективе социально-экономического развития страны. Изучены возможности совершенствования теории и методологии формирования финансовой политики предприятия в системе корпоративного финансового менеджмента Республики Узбекистан и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: финансовая политика предприятия, корпоративный финансовый менеджмент, финансы предприятия, финансовое обеспечение деятельности предприятия, финансовое состояние предприятия, финансовая устойчивость предприятия.

Abstract. The article discusses the issues of improving the theory and methodology of forming the financial policy of an enterprise at the present stage of liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan. The advantages and features of improving the theory and methodology of forming the financial policy of an enterprise in the perspective of the country's socio-economic development have been scientifically substantiated. The possibilities of improving the theory and methodology of forming the financial policy of an enterprise in the system of corporate financial management of the Republic of Uzbekistan have been studied and recommendations have been developed.

Keywords: financial policy of the enterprise, corporate financial management, enterprise finance, financial support of the enterprise, financial condition of the enterprise, financial stability of the enterprise.

Кириш

Иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви жараёни, фискал сиёсат ва корхоналар молиявий салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви ва

корпоратив молиявий менежмент тараққиётининг самарали механизмларини қўллаш кўп жиҳатдан корхона молиявий сиёсатини самарали шакллантиришга ҳам бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб корхоналар молиясини самарали бошқаришга қаратилган молия-солиқ сиёсати олиб борилмоқда. Чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди, корпоратив бошқарув тизимини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, мақсадли комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда «корхоналарда корпоратив молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш фойдаланилмаётган ресурслар ва молиявий имкониятлардан юқори даражада ва самарали фойдаланиш, корхоналар молиявий сиёсати соҳасида шаклланиб қолган тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири – корхоналар миқёсида молиявий менежмент самарадорлигини ошириш имконини беради»[1].

Ривожланган ва изчил тараққий этаётган давлатлар (Япония, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой ва бошқалар) тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, корхона рақобатбардошлиги, барқарор ривожланиши корхона молиявий сиёсатини шакллантиришнинг самарали воситаларини қўллашга тўлалигича боғлиқдир. Бунда ташқи муҳитнинг таъсири ва рақобат корхоналарни ўзларининг молиявий салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга ундамоқда.

Шу сабабли, корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш ҳозирги замон молия фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга корхона молиявий сиёсатини шакллантириш жараёнини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик базаси ҳали етарли даражада тизимлаштирилмаган ва у асосан корпоратив молия, корпоратив бошқарув концепцияларига асосланиб қолмоқда.

Бу корхона молиявий сиёсатини шакллантириш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнлар ҳамда мамлакатни истиқболда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида айтилганидек: «Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, корхоналарда корпоратив бошқарув афзалликлари асосида улар молиясини самарали бошқариш устувор аҳамият касб этади»[2]. Бу соҳада «иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи ишлаб чиқаришни ўстиришга эришиш, корхоналарда корпоратив бошқарув асосида жадал ривожлантириш ҳисобига улар молиявий салоҳиятини ошириш»¹ бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда корхона молиявий сиёсатини шакллантириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони

илмий мақола мавзусининг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Яқин хорижий давлатларда корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва ташкил этиш муаммоларини тадқиқ қилиш такрор ишлаб чиқаришдан замонавий фанга ўтиш босқичида турибди. Буларга мисол тариқасида А.Г. Гранберг, Ю.А. Гаджиев, С.М. Дробишевский, В.К. Ломакин,, Я.Д. Лисоволик, Г.Л. Азоев, Б.С. Жихаревич, Р. Фатхутдинов, Ю.В. Савельев, Е.А. Коломак, А.Ю. Казак, В.А. Кашин, Л.П. Павлова, Р.Г. Самоев, М.В. Романовский, И.Г. Русакова, Т.Ф. Юткина , А.С. Новоселов, С.С. Артоболевский, Б.М. Гринчель каби олимларнинг изланишларини келтириш мумкин [3-11].

Ўзбекистонда Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов, И.Л.Бутиков, Д.Х.Суюнов, М.Б.Хамидуллин, А.А.Хошимов, Р.Х.Карлибаева, С.С.Фуломов, Р.И.Яушев ва бошқа олимлар ўз илмий ишларида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш ва унинг миллий модели шаклланиши босқичларининг ўзига хос бўлган афзаллик ва камчиликларини тавсифлашга катта эътибор қаратган.

Мамлакатимизда корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асосини корхоналарда корпоратив бошқарув ва корпоратив молиявий менежмент, корпоратив молияни режалаштиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг вазифалари, корхонада молияни стратегик ва тактик режалаштириш методологиясини такомиллаштириш концепциялари ташкил этади. Бу эса корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини чуқурроқ тадқиқ этиш ва унинг услубий жиҳатларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган энг асосий хусусияти шундан иборатки, бу сиёсат мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ва иқтисодий муваффақиятларга узлуксиз равишда таъсир кўрсатиб туришга йўналтирилган бўлиши керак. Бундай сиёсат аҳолининг турмуш фаровонлиги таъминлаб ва давлат даромадларининг манбаини кўпайтириб, молиявий хўжаликка нисбатан энг юқори натижаларни бериши мумкин. Молиявий сиёсатнинг ана шунга йўналтирилганлиги орқали унинг қуйидаги энг асосий мақсадини аниқлаш мумкин: жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти, аҳоли турмушининг даражаси ва сифатини ошириш учун молиявий шароитларни яратиш молиявий сиёсатнинг энг асосий мақсадидир. Агар гап корхоналарнинг молиявий сиёсати хусусида кетадиган бўлса, бу нарса корхона молиявий менежерларининг бизнесни юритиш мақсадларига эришиш борасидаги мақсадга йўналтирилган фаолиятини англатади.


Корхона молиявий сиёсатининг мақсади қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- рақобат кураши шароитида корхонанинг соғлом ҳаёт кечиришига (фаолият кўрсатишига) эришиш;
- йирик молиявий муваффақиятсизликлардан ва банкротга (касодга) учрашдан қочиб қутилиш;
- рақобатчилар билан курашда етакчиликка (лидер бўлишга) эришиш;
- корхонанинг бозор қийматини максималлаштириш;

- корхона иқтисодий салоҳиятининг ўсиш суръатларини барқарор ўстириш;
- ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини ошириш;
- фойдани максималлаштириш;
- харажатларни минималлаштириш;
- рентабелли фаолиятни таъминлаш ва бошқалар.

Корхона молиявий сиёсатининг у ёки бу мақсадларидаги устуворлик, энг аввало, бизнесни юритишнинг мақсадларига мувофиқ равишда аниқланади. Қўйилган мақсадларга эришиш учун тегишли молиявий механизмдан фойдаланилади. Корхона молиявий сиёсати — бу корхонанинг ўз молия ресурсларини ҳосил қилиш ва уларни самарали ишлатишга қаратилган чоратадбирларидир. Бундан мақсад корхонанинг рентабел бўлиши, ликвидлигини таъминлаш ва ўз-ўзини молиялаштиришга эришишдир. Корхона молиявий сиёсати унинг пул фондларидан оқилона фойдаланишига, унинг қарздорлигининг меъёрида бўлишига, пул маблағларининг ўз вақтида айланиб туришига, молиявий мажбуриятларнинг вақтида бажарилишига қаратилади. Корхона молиявий сиёсатини унинг эгалари ишлаб чиқади, амалга оширилишини эса молия менежери таъминлайди. Корхона молиявий сиёсатининг натижаси унинг асосланган бўлиши, реал имкониятлардан келиб чиқиши ва уни изчил амалга оширилишига боғлиқ.

Корхона молиявий сиёсатининг турларини тизимлаштириш учун, уларни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни асослаш учун мазкур мақолада молиявий-иқтисодий жараёнлар таркибининг элементлари бўйича ҳамда корхона молиявий сиёсати объектлари бўйича таҳлили амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Корхона молиявий сиёсати объектлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Корхона молиявий сиёсати объектларини таснифлаш унинг турлари ва ишлаб чиқиш вазифаларини аниқлаштириш имконини беради. Молиявий ресурслар ҳаракати билан, даромадлар, харажатлар, фойда (зарарлар)нинг шаклланиши билан, бизнес қийматининг ўзгариши билан корхонанинг инвестицион, жорий ва молиявий фаолияти операциялари амалга оширилади.

1-жадвалда молиявий-иқтисодий жараёнларда молиявий ресурсларни, даромадларни, харажатларни, фойда (зарарлар)ни, бизнес қийматини бошқаришга йўналтирилган корхона молиявий сиёсатининг турлари акс эттирилган. Мазкур жадвалнинг катакларидаги идентификаторлар, қатор ва устунларнинг такрорланувчи тартиб рақамлари корхона молиявий сиёсати турларини ифодалайли. Масалан, 1101

кодига корхонанинг инвестиция фаолиятидаги оборотдан ташқари активларни бошқаришга оид молиявий сиёсат мос келади.

1-жадвал

Корхона молиявий сиёсатининг турлари*

Молиявий-иқтисодий жараёнларнинг элементлари	Политика управления элементами финансово-экономических процессов по видам деятельности организации:					
	инвести- цион	иннова- цион	таъ- минот	ишлаб чиқариш (операцион)	сотиш	молиявий ва бошқа
100. Молиявий ресурслар	1001	1002	1003	1004	1005	1006
110. Оборотдан ташқари активлар	1101	1102	1103	1103	1105	1106
111. Асосий воситалар	1111	1112	1113	1113	1115	1116
112. Номоддий активлар	1121	1122	1123	1123	1125	1126
113. Моддий қийматликларга даромадли қўйилмалар	1131	1132	1133	1133	1135	1136
114. Номоддий активларга қўйилмалар	1141	1142	1143	1143	1145	1146
115. Бошқа о оборотдан ташқари активлар	1151	1152	1153	1154	1155	1156
120. Айланма активлар	1201	1202	1203	1204	1205	1206
121. Моддий-ишлаб чиқариш запаслари	1211	1212	1213	1214	1215	1216
122. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	1221	1222	1223	1224	1225	1226
123. Дебиторлик қарзлари	1231	1232	1233	1234	1235	1236
124. Пул маблағлари	1241	1242	1243	1244	1245	1246
125. Молиявий қўйилмалар	1251	1252	1253	1254	1255	1256
126. Бошқа айланма активлар	1261	1262	1263	1264	1265	1266
130. Ўз капитали	1301	1302	1303	1304	1305	1306
140. Қарз маблағлари	1401	1402	1403	1404	1405	1406
200. Молиявий натижалар	2001	2002	2003	2004	2005	2006
210. Даромадлар	2101	2102	2103	2104	2105	2106
220. Харажатлар	2201	2202	2203	2204	2205	2206
230. Фойда(зарарлар)	2301	2302	2303	2304	2305	2306
240. Бизнес қиймати	2401	2402	2403	2404	2405	2406

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқининг мақсади бўлиб корхона молиявий сиёсатини шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш ва корхона молиясини режалаштириш имкониятларидан

самарали фойдаланиш механизмлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилмоғи лозим:

- корхона молиявий сиёсатини шакллантиришнинг зарурлиги, моҳияти ва функцияларини тадқиқ этиш;
- корхоналарда молиявий режалаштиришга тизимли ёндошувни шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш;
- корпоратив молиявий менежмент таркибида молиявий режалаштиришнинг тутган ўрни ва тамойилларини ёритиш;
- корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизими шароитида молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ва вазифаларини илмий тадқиқ этиш;
- акционерлик жамиятларида солиқларни режалаштириш амалиётининг методологик муаммоларини таҳлил қилиш;
- корхонада солиқларни тактик режалаштириш методологияси ва амалиётини ёритиш;
- корхонада солиқларни стратегик режалаштириш методологияси ва босқичларини ўрганиш;
- солиқ логистикаси - солиқларни режалаштиришнинг белгиловчи компоненти сифатидаги ролини очиқ бериш;
- солиқларни оптималлаштириш - солиқларни режалаштиришнинг асосий амалий компоненти сифатидаги аҳамиятини ёритиш;
- солиқ тўловларини минималлаштириш – корхонада солиқларни режалаштиришнинг зиддиятли компоненти эканлигини асослаш;
- корхонада ички солиқ назорати тизимини ташкил этиш тамойилларини таҳлил этиш;
- корхонада солиқларни режалаштириш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилининг услубиётини ёритиш;
- солиқ рисклари ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган молиявий прогнозлашнинг интеграциялашган тизимини илмий асослаш;
- корхона солиқ имкониятлари истиқболларини белгилашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга оид тавсиялар бериш;
- корхоналар инновацион тараққиёти ва ривожланишнинг янги молиявий имкониятларини таъминлашда молиявий режалаштириш амалиёти самарадорлиги таъсирчанлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги бошқарув сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда корхона молиявий сиёсатини шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш ва корхона молиясини режалаштириш имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг замонавий тенденцияларини тизимли тарзда тадқиқ этишда “иқтисодиёт очиқлиги ва бизнес муҳити” каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг

такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш *асосий масала қилиб қўйилиши зарур ва бу жараён қуйидагиларга имкон беради:*

-Ўзбекистон Республикасида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётига янгича ёндошиш зарурлигини белгиловчи омиллар илмий таҳлил қилинади ва уларни самарали бошқариш тадбирлари асослаб берилади;

-корхоналарда молиявий режалаштириш функциялари умумлаштирилади, тўлдирилади ва ягона комплексга келтирилади, молиявий режалаштириш жараёнида риоя этиши лозим бўлган тамойиллар аниқланади, корхоналар дуч келиши мумкин бўлган рисклар тавсифланади;

-корхоналарда молиявий салоҳиятни ошириш ва оптималлаштириш тушунчаларининг мазмуни аниқлаштирилади ва улар фарқларининг мезонлари асослаб берилади;

-корхона молиясини бошқаришни оптималлаштириш усуллари, жумладан, корхонанинг ҳисоб, инвестиция, инновация, баҳо ва шартнома сиёсати мутаносиблиги асосидаги ҳаракатларининг йўл харитаси аниқланади ва тавсифланади, шу билан бирга молиявий режалаштиришнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги 29 июнь 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. 2017-йил шиддатли ислохотлар йили. Т.: «Ўзбекистон», 2018, - 76 б.
3. Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований корпоративного налогового планирования. //Налоги и налогообложение, №2, 2016. с.166-178;
4. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории налогового менеджмента // Финансовый менеджмент, выпуск 2-й, 2016. с.45-62;
5. Ломакин В.К. Налоговое планирование и прогнозирование. Учебник / 5-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – 671 с.;
6. Лисоволик Я.Д. Налоги акционерных обществ: особенности и проблемы современного развития // Российский журнал, 2017, №1, с.52-56
7. Азоев Г.Л. Корпоративное налоговое планирование: анализ, стратегия и практика. – 3-е изд. М.: Центр прогнозирования и анализа, 2015. – 208 с.
8. Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. Налоговое планирование и прогнозирование. Учебник в 2-х томах. – М.: Юрайт, 2014. С.234-278
9. Фатхутдинов Р. Финансы и налоги акционерных обществ: монография. – М.: РИА Стандарты и качество, 2016. – 464 с.
10. Савельев Ю.В. Налоговое планирование предприятий: от теории к практике. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2016. – 516 с.
11. Гринчель Б.М. Повышение налогового потенциала как обобщающая задача стратегического планирования. – СПб., 2016. – 120 с.
12. Джамалов Х.Н. Кичик бизнес корхоналарида молиявий менежмент ташкилий асосларини такомиллаштириш хусусида// "Science and Education" Scientific Journal, March 2021 / Volume 2 Issue 3, pp.436-453.
13. Dzhamalov Kh.N. On the question of methods for assessing the financial stability of small businesses and its factors // International scientific journal "Scientist of the XXI century" No. 3-2 (62), March 2020, pp. 50-59.